СССРнинг 50 йиллигини муносиб кутиб оламиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 166 (4625).

23 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

30 ЦЕНТНЕР УЧУН

Сув — пахтадан мўл ҳосил етиштиришда муҳим омиллардан бири. Ғўза вақтида суғорилмаса, гулини тўкиб юборади, кўллатиб суғорилса ёки сувга қонмаса, ривожи сусаяди. Шунинг учун сувчидан катта масъулият талаб қилинади.

Ўрта Чирчиқ районидаги ўқув тажриба хўжалиги 7 та пахтачилик бригадасидан иборат, 1093 гектар майдонга эга. Ерларнинг бир қисми захкаш. Сув 1—2 метр пастликда.

Бундан 3—4 йил аввал шу ерлардан атиги 14 центнердан ҳосил етиштирилар эди. Ў пайтларда сизот сув юза турганлигидан кўлмаклар ҳосил бўларди. Хўжалик меҳнаткашлари ернинг захини кетказишга киришдилар. Ҳар 600 метр майдонга зовур қазилди. Ёпиқ дренажлар устига чигит экилавердя. Зах сув ер остида чуқур трубалар орқали очиқ коллекторларга чиқариб юборилди.

Хўжаликда сувдан тежамкорлик билан фойдаланилаётир. Ғўзалар юқори сифатли суғорилмоқда.

Суғоришнинг янги усулини қўллаш яхши натижалар бермоқда. Шу кунларда ғўза ривожи кўнгилдагидан ҳам яхши. Кўсаклар кун сайин кўпаймоқда. Ғўза қатор ораларига тўрт марта ишлов берилди.

Миришкорлар ўтган йили гектаридан 27 центнердан ҳосил тўплаган эдилар. Уларнинг бу йилги аҳдлари 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришдир.

М. АҲМАДЖОНОВА.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Область партия комитети ташаббуси билан ўтказилган матбуот конференциясида район, шаҳар ва область газеталари журналистлари маъмурий органлар фаолияти билан танишдилар.

Матбуот конференциясида сўзга чиққан область халқ контроли комитетининг раиси А. Икромов, область прокурори К. Галашко ва область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ғ. Зокиров ўртоқлар социалистик мулкни кўз қорачиғидай сақлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида кўрилаётган тадбирлар ҳақида журналистларга сўзлаб бердилар.

ЮҚОРИ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий текшириш институтининг тажриба базасига қарашли биринчи бригада аъзолари пахтадан юқори ҳосил етиштиришни кўзлаб, фидокорона меҳнат қилишмоқда. Об-ҳавонинг бирмунча ноқулай келиши сабабли ғўза ривожидаги қолоқликни ўтган йилги даражага етказиб олиш учун барча агротехника тадбирлари амалга оширилди. Натижада ғўзалар ҳар қачонгидан ҳам барқ уриб ривожланди. Бу соҳада институт олимлари қимматли маслаҳатлар бериб туришди. Шу кеча кундузда ҳар бир туп ўсимликда 8—10 тадан бўлиқ кўсак кўзга ташланади. Бригада пахтакорлари август ойи охиригача яна ҳар туп ғўзада 2—3 тадан кўсак йиғиш учун курашишаяпти. Б. Елтинбоев бошлиқ бу бригадада меҳнатсеварлар кўплаб топилади. Акаука механизаторлар Амет ва Сеитвали Маметовлар, Акимқул Сафаров ҳамда сувчилар Мурод Жалилов, Йўлдош Холдоров каби ўртоқларнинг меҳнатлари ҳурматга сазовордир. Шунингдек, Анор Турсунқулова, Гулзода Бойғозиева, Сануора Шодмонқулова каби меҳнатсевар хотин-қизларнинг номлари илғор пахтакорлар каторида тилга олинади. Бригаданинг азамат миришкорлари СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун зиммаларига олган мажбуриятларини ортиғи билан бажариш учун социалистик мусобақани қизитиб юборишган.

В. КОМИЛОВ,
Оржоникидзе райони.



ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА


БЕКОБОД районидаги 4-«Далварзин» совхози деҳқонлари далаларида яхши ният билан меҳнат қилишмоқда. Илғор механизатор Я. Мирзааҳмедов бошлиқ звено аъзолари эса ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқда. Суратда: звено бошлиғи Я. Мирзааҳмедов.

А. Абалян фотоси.

●

ЛУБКОРЛАР учун долзарб кунлар бошланди. Улар етиштирилган канопни қисқа муддатда ўриб-йиғиб олиш учун курашмоқдалар. Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхози лубкорлари ҳам мўл ҳосил олишмоқда. Суратда: колхоз даласида каноп ярчиш агрегатининг ишлаш пайти.

С. Безносов фотоси.



УНУМЛИ ДАСТГОҲЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинатида кунига 600—700 минг метр газлама ишлаб чиқарилмоқда. Бундай юксак унумдорликка замонавий машина ва дастгоҳларни кўплаб ишга тушириш натижасида эришилянти. Комбинат фабрикаларида тобора кўпроқ янгиликлар ускуналар ўрнатилянти.

Шу кунларда 2-тўқув фабрикасига АТПР—100 маркали 70 та тўқув дастгоҳи келтирилди. Бу дастгоҳ аввалгиларига нисбатан анча серунум бўлиши билан бирга уларни бошқариш қулай. Аввалгиларнинг 24 тасини бир тўқувчи бошқарса, энди дастгоҳларнинг сонини бирнечтага ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда янги дастгоҳлар учун жой ҳозирлаш ишларн бошлаб юборилди.

О. ҲАБИБОВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАҒАЛ ҲАШАК ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 21 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Пискент	82,0
Бўстонлиқ	81,3
Оққўрғон	80,3
Бўка	75,4
Оҳангарон	73,7
Калинин	71,4
Янгийўл	69,4
Юқори Чирчиқ	66, 2
Ўрта Чирчиқ	65,3
Оржоникидзе	62,8
Бекобод	54,1
Область бўйича:	71,4

СУВЧИЛАР

Арикдаги зилол сув эгатларга оқиб ҳар туп ниҳол танига қондек сингиб боради. Тарвақайлаб ўсаётган ғўза шохлари шода-шода кўсакдан бош эгади. Буни кўрган сувчининг меҳри товланади. Ўз меҳнати мевасидан дили ёришади. Абдураҳмон ака ҳам ҳозир шу ҳолатда, бўлиқ пахтазорга завқ билан тикилиб турипти.

У салкам эллик ёшга кирди. Умри пахтазорда ўтди. Бу йилларда неча минглаб гектар майдонга сув тараб, қанча ёшларни шу касбга ўргатмади, дейсиз. Энди унн совхозда ёш сувчиларнинг устози, тажрибали пахтакор сифатида ҳурмат қилишади.

Елкасида кетмон, шими тизасигача шимарилган, сийрак мўйлови қорачадан келган юзига ярашиб тушган Абдурахмон ака эгат оралаб борарди. Дам-бадам сув оқимини кўздан кечиради. Ғўза ҳосилини чамалайди. У бироз юргач пайкал ўртасида тўхтади. Юзи жиддий тус олди. Энгашиб эгат орасини кўздан кечиради. Оқиб келаётган сув шу ерга келганда қаёққадир ғойиб бўлган. У орқага юриб, сув йўлини кузатади. Сув эгат ярмида кенглиги муштум сиққудек келадиган ўрага сингиб кетмоқда эди. Сувчи дарҳол ўра юзига тупроқ тортди. Уни шиббалаб сув йўлини очди.

Қақроқ чўл тупроғи сувга ташна. Шунинг учун ҳам сув ўз йўлида дамба-дам ўра ҳосил қилиб ер тагига оқади. Сувчи сал бепарволик кўрсатдими, пайкал орасида бир неча ўралар ҳосил бўлиши, ғўзалар сувга қонмай қолиши турган гап. Шу сабабли Абдурахмон ака эгат бўйлаб оқаётган сув оқимини кўздан ўтказиб туради.

— Бу ерларда сувчиликни ҳамма ҳам эплайвермайди,— дейди у,— сувчи тадбирли, энг кераклиси кўзли бўлиши керак. Сувдан эҳтиёткорлик билан тежаб-тергаб фойдаланиш бизнинг шароитда катта аҳамиятга эга. Бунинг устига ҳозирги кунларда сув камчил. Чунки, барча майдонларда ёппасига экилган сугорилаяпти. Ҳозирги дамларда ҳар ҳовуч сувдан унумли фойдаланиш ҳосилга ҳосил қўшишда асосий гаров бўлади.

Сувчини ер инженери дейшади. Ҳақиқатан ҳам паст-баланд ерга сув чиқариш ўқ арикни қандай олганда эгатларга сув тараш қулай бўлади. Сувчи аввало шуларни мулоҳаза қилади. Бунинг учун эса ер шароитини, тупроқ қатламини яхши билиш керак. Тажрибали сувчилар баҳордаёқ ишни шу асосда ташкил этадилар. Абдурахмон ака ҳам чўлда совхоз ташкил этилганда шу ерга келди. Сувчилик қилди. Дастлабки йили ерларни суғориш анча мушкул бўлди. Чунки, олинган ариқлар ва ўқариқлардан биринчи сув оқишдаёқ ер чўкиб, ишдан чиқди. Янги шароитда қақроқ чўл тупроғида унган ниҳолни суғориш, парваришлаш одамлардан катта меҳнат-ғайрат талаб қилди. Қийинчиликлар, изтиробли кунлар орқада қолди. Чўлқуварлар яхши ният билан мўл пахта етиштирдилар.

Бу йил ҳам шу отахонларга сўзсиз зиммамизга улкан вазифа олганмиз,— дейди бригада бошлиғи Ҳазраткул Омонов. Абдурахмон ота Хушвақтовга ўхшаш тажрибали, бир сўзли кишиларимиз 90 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилдорликни салкам ўн центнерга оширишга аҳд қилдилар.

Йил бошидан ғўза парваришига алоҳида эътибор берилди. Ғўзаларни озиқлантиришда минерал ва маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланилмоқда. Айниқса эгат ораларига шарбат оқизиш ғўза парваришида қолоқликни тўгатиш, ҳосилдорлигини оширишда катта роль ўйнайди. Июнь, август ойларида далага бир неча юз тонна органик ўғит чиқариб солинди. Пайкалларда мўл ҳосил тўпланди. Ҳар туп ғўзада ўртача 8—10 тадан кўсак санаш мумкин.

— Бригадамизда асосий иш механизация кучи билан бажарилади,— дея сўзида давом этди бригада бошлиғи. Йиғим-терим ишлари ҳам 95—100 процент машиналар ёрдамида олиб борилади.

Совхоз пахтакорлари Кўкорол чўлини ўзлаштириш, пахта майдонларини кенгайтириш, янги боғ-роғлар яратиш йўлида меҳнат қилишаяпти. Дастлабки йили 500 гектар майдонга чигит ташланган бўлса бу йил 1900 гектар майдонда пахта етиштирилмоқда. Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 6—7 центнерга кўтариш, жами давлатга 3 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришни деҳқонлар юксак мажбурият қилиб олишган.

Совхоз ерларининг асосий қисмини паст-баланд қирли майдонлар ташкил этади. Бу ерларда тракторларда пахта териш анча мушкул. Аммо механизаторлар ҳосилнинг асосий қисмини машинада териб олишга қарор қилганлар. Ғўзалар ҳам машинабоп қилиб ўстирилади. Бу йил ҳосилнинг 70 процентн «зангори кема»ларда терилади. Совхознинг Н. Валламов, Б. Саидов, А. Масалиев, А. Хўжаев, А. Алимбердиев бошлиқ бригада деҳқонлари ҳам далаларда юқори ҳосил тўпламоқдалар. Бу ишда О. Ҳамроев, С. Маҳкамов, Э. Омонов, С. Расулов каби сувчилар айниқса пешқадам бўлишмоқда.

Чўл багрида яшнаб турган бўлиқ пахтазор оҳиста тебранади. Ҳар туп ниҳолга қалб меҳрини сингдирган деҳқон ҳосил чўғидан хушнуд одим ташлайди. Унинг кўз ўнгида улкан «оқ олтин» хирмони қад кўтаради.

Н. ТЎРАЕВ,
Бекобод районидаги «Ленинград» совхози.

«МОСКВА» ХЎШХАБАРЛАРИ

ҚУЁНЧИЛИК БРИГАДАСИ

Шу йил март ойида Оққўрғон районидаги «Москва» колхозида қуёнчилик бригадаси ташкил этилди. Дастлабки пайтда 100 бош қуёнга эга бўлган бригадада қуёнлар сони 190 бошга етди. Йил охиригача уларни 400 бошдан оширяб, унинг ярмидан қўшни гўштга топшириш мўлжалланмоқда.

Қуёнбоқар Анна Дорошенко СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йил охиригача колхозга минг сўмликдан зиёд фойда келтириш мажбуриятини олди.

ТЕПЛИЦАДА ТАБИИЙ ГАЗ

Колхозда икки комплексдан иборат теплица бинолари қурилянти. У бир гектарга яқин майдонни эгаллайди. Қишда табиий газ билан ишлайдиган бу теплицада помидор, бодринг, редиска, укроп каби сабзавот ва резаворлар ўстирилади.

Б. НЎЛДОШЕВ.

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАР ДАВРАСИДА

«Ҳар бир соғин сигирдан 4 минг килограммдан сут соғиб оламиз» Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози чорвадорларининг бу йилги ниятлари ана шундай. Фермадаги ўн бир сут соғувчининг қайси бири билан суҳбатлашманг, ҳаммаси «олинган мажбурият имкониятга яраша, бемалол бажарамиз» дейди.

Фермага ишбилармон Низом Эргашев мудирлик қилади. Шу қисқа вақт ичида фермада меҳнат унумдорлиги ўсди, маҳсулот олиш кўпайди.

— СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган чорваларимиз оширилган мажбурият олганлар,— дейди ферма мудири,— сут-товар фермамизда иш шу олинган мажбурият асосида ташкил этилган. 250 бош соғин сигирнинг ҳар биридан шу кунгача 2 минг 134 литрдан ошириб сут соғиб олдик. Жами соғиб олинган сут миқдори 434 тоннадан ошди. Бунда Ўзбекистон Олий Советининг депутати Мунаввар Исоқова, Инобат Аҳмедова, Ҳадича Орипова каби илғор сут соғувчиларнинг ҳиссалари каттадир.

Мунаввар опа Исоқова тажрибали, донгдор сут соғувчи, ёшларнинг меҳрибон устозидир. 25 бош соғин сигирдан 50 тоннадан зиёд серқаймоқ сут соғиб олди. Йил охиригача ҳар бош сигирдан тўрт минг 27 килограммдан сут соғиб олиш ниятида. Шу кунгача ҳар сигирдан 2 минг литрдан ошириб сут соғиб олди. Ҳозир фермада ишлаётган сут соғувчиларнинг кўпчилиги Мунаввар опанинг шогирдларидир. Улардан бири — Инобат Аҳмедова.

Инобатнинг фермага ишга келганига энди тинна беш йил бўлди. Сут соғиб олишнинг сирларини устози Мунаввар опадан ўрганди. Ҳозир 24 бош соғин сигирдан йил охиригача 101 тонна сут соғиб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Бу ҳар бир сигирга тўрт минг 206 литрданга тўғри келади. Шу кунларда Инобат ўз сўзининг устидан чиқиш учун янада унумлироқ ишламоқда. Ҳар бир соғин сигирдан кунига 25—26 литр гача сут соғиб олаяпти. Сигирлар қатъий график асосида соғилади. Инобат эрталаб соат тўртда фермага келиб, соат олтигача сигирларни соғиб бўлади. «Волга» соғиш аппарати ишини енгиллаштираяпти. Тушки соғиш соат 12 дан 3 гача давом этади. Кечқуруи эса соат 6 дан 8 яримгача.

Сигирларни бир вақтда соғишга ҳаракат қиламан,— дейди Инобат. —Бу яхши натижа бермоқда. Ўз тажрибамда моллар бир вақтда озиқлантириб, бир вақтда соғилса, кутилган кўрсаткичга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Фермада Инобатнинг тажрибаси кенг ёйилди. Ахир шундай бўлиши ҳам керак эди-да! Чунки, Инобат шу кунгача ҳар бир сигирдан икки минг литрга яқин сут соғиб олди. Бу областимиздагина эмас, балки республикада ҳам юқори кўрсаткичдир.

Фермада барча иш механизациялашган. Бу соғувчиларнинг қимматли вақтини тежаш билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлайди. Шунингдек, фермада кадрлар билан ишлаш ҳам кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Фермада ишловчи ҳар бир мутахассис ўз вазифасини яхши билади.

Албатта, сигирлардан кўплаб сут соғиб олиш уларнинг боқимига ҳам боғлиқ. Ўтган қишнинг қаттиқ келиб, чўзилиб кетганлиги бу илғор фермада сезилгани йўқ. Ўз вақтида мустаҳкам ем-хашак базасини яратилганлиги ютуқлар гарови бўлмоқда. Бу йил ҳам озуқа гамлаш кўнгилдагидек олиб борилаяпти. Ҳозир колхозда беда ўриш, сенаж бостириш давом этаяпти. 13 гектар ерга хашаки лавлаги экилган. Ҳар гектар ердан 60 тоннадан лавлаги олиш мўлжалланмоқда. 55 гектар ерга экилган жўхори ҳам яхши ўсаяпти, силос бостириш бошлаб юборилди.

Ферма коллективи моллар зотини яхшилашга ҳам яхши эътибор беряпти. Бу ерда асосан қора-ола зотли моллар боқилаяпти. Бу зотли молларнинг афзаллиги шундаки, вақтида овқатланиб, парвариш қилинса, маҳсулдорлиги ошиб бораверади. Ҳар йили колхоз райондаги қўшни хўжаликларга 50 бош зотли сигир сотади. Бу йил Калинин номли колхозга 70 бош сигир сотилади.

Колхоз чорвадорлари йил охиригача эл-юрт дастурхонига миянг тонна серқаймоқ сут етказиб берадилар. Бу борада биз уларга янги зафарлар тилаймиз.

Х. ТЎРАЕВ.

АНГРЕН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚУРУВЧИЛАРНИНГ ОТРЯДИ

Бу йил Ангрендаги 17-ҳунар-техника билим юртини 275 ёш қурувчи битириб чиқди. Ёшлар дурадгорлик, сувоқчилик, бўёқчилик, пайвандчилик ва ғишт терувчилик касбларини пухта эгаллашган. Бунёдкорлар Тошкент, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларидаги қурилишларда ишлаш учун йўлланма олдилар. Билим юртида Ангрен яқинида бунёд этилаётган резина комбинати учун ҳам юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Ангрен кон устини очиш разрезида сиёсий ахборотчилар тўгараги иш бошлади. Кончилар бу ерда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, газета ва журналларнинг янги сонлари ҳамда совет халқининг коммунизм қурилишидаги эришаётган муваффақиятларини акс эттирувчи стендлар билан танишмоқдалар.

Сиёсий ахборотчилар тўгарагига инженер Н. Ашрапов бошчилик қилмоқда. Шунингдек, «Ўзбекшахтострой» трестида, кўмир разрезида ва 9-шахтада ҳам жамоатчилик асосида тўгараклар ташкил қилинди.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

«Узбекзолото» бирлашмасига қарашли Кўчбулоқ олтин конида ҳар суткада пландан ташқари ўнлаб тонна маъдан қазиб чиқармоқдалар. Бу борада айниқса, Анас Апачев бошлиқ забойчилар бригадаси кўпчиликка намуна бўлмоқда. Меҳнатсеварлар СССРнинг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб ишлаб, йиллик планни бир ҳафта илгари адо этишга бел боғлашган.

Ф. ПЕТРОВ.

●


ЯНГИЙЎЛ районидаги «Ленинизм» колхозининг миришкор сувчилари ғўзаларни қондириб суғоришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Шунинг учун ҳам ғўзалар серҳосил бўлиб вояга етмоқда. Суратда: (чапдан) сувчилардан Х. Пўлатов, Б. Қодировлар.

Ф. Абдурасулов фотоси.

●



ТУТАШ ВОДИЙЛАР



Юқори Қорабоғ канали тўғони тепасига чиққанимизда қўёш найза бўйи кўтарилган эди. Бу ердан Қорабоғ водийси кафтда тургандек кўзга ташланади. Тоғ тагидан ўтказилган тоннелдан чиқиб келаётган зилол сув тўғонга уриліб парчаланади, шалола тепасида ҳарир булут сингари парда пайдо бўлади. Сув урилгандаги шабада канал қирғоғида турган кишиларга ором бағишлайди.

Биз ҳозиргина кўриб келган Евлах райони далалари картадаги сингари ҳар хил рангда намоён бўлади. Бу ер ўша пахтазор водийлардан анча баландда. Буни канал сувининг тўлқинланиб оқаётганлигидан ҳам билса бўлади.

Озарбайжон ССР Евлах район партия комитетининг биринчи секретари Камол Абдуллаев ўз райони ўтмиши ва бугунги куни тўғрисида сўзлаганда унинг бу водий тарихини жуда яхши билишига ишондик. Камол Абдуллаев район ўтмишини икки оғиз сўз билан тушунтириб қўяқолди.

— Илгари замонда бу ерлар ҳақида шундай дейиларди: «Сени бу ишинг учун дўзоҳга ташлаш керак». У одам унга жавобан: «Ҳайрият, мен Евлахга юборишарканми, деб қўрққан эдим».

Ҳақиқатан ҳам айтишларига қараганда Евлах районининг территорияси шўрҳоқлиги, чивин галалари учиб юриши, сувининг шўрлиги, ҳавосининг нафасни сиқувчи димлиги туфайли ҳам уни ўтмишда ана шунақа чекка ўлка деб аташган. Йиллар ўтиб, шўр далалар ювиб-тозаланди, дренажлар қурилди, каналлар чиқарилди. Инсон қўли бу чекка ўлканн ҳам одамлар кўрса ҳавас қиладиган водийларга айлантириб юборди.

Юқори Қорабоғ каналининг барпо этилиши, Мингчовур сув омбори ишга туширилиши бу томонларнинг иқлимини айниқса ўзгартириб юборди. Мана шу биз ҳозир томоша қилиб турган канал тўғони Евлахдан 200—300 метр баландликда. Тоғ тагидан чиқиб келаётган тоннель сувн қон томирлари каби водийга таралиб унга жон киритаётган бу канал сувини деҳқонлар, боғбонлар ҳалётбахш деб атайдилар. Бизнинг куч-қувватимиз деб таърифлайдилар.

Евлах Озарбайжоннинг асосий пахта районларидан бири. Бу районда 11та колхоз, 6 та совхоз бор. Яқин-яқингинада ҳам райондаги баъзи хўжаликлар гектаридан 4—5 центнердан пахта олардилар. Бу йил район пахтакорлари давлатга 14 минг тонна «оқ олтин» топширишмоқчи. Ҳосилдорликни 17 центнерданга кўтарамиз деб ҳаракат қилмоқдалар. Шу билан бирга районда ғаллачилик, чорвачилик билан ҳам шуғулланилмоқда ва хўжаликнинг бу соҳаси йил сайин юксалиб бормоқда.

— Пахтачиликни ривожлантиришда ўзбек пахтакорлари билан дўстона алоқада бўлаётганлигимиз бизга катта ёрдам бермоқда, шу дўстлик туфайли бизнинг хўжалик ҳам ривожланиш йўлига тушиб олди, дейди 8-совхоз директори Исфандиёр Иброҳимов. Биз Ўзбекистонда ижод этилган С—47—27 пахта навини экиб ўстирмоқдамиз. Бу пахта нави эртапишарлиги, мўл ҳосил бериши билан бизга жуда маъқул бўлиб қолди. Бунинг учун биз ўзбек селекционерларига ўз ташаккуримизни етказилишини истар эдик.

Биз бу совхознинг Ходар Атғўзалов бригадасида бўлдик. Бригадир серҳаракат, пахтага муҳаббат қўйган, ишчан йигит кўринарди. Ў дарров меҳмонларни даласига бошлади. Ўзаро текшириш бригадасининг аъзоси Суюндиқ Худоёровнинг агрономлигини билгач унга ҳамма далаларни кўрсатишни, маслаҳат олишни, бундан кейин ана шу нав пахта ғўзасини қандай парвариш қилишни бирма-бир сўраб билишни истарди. Самарқанд область Хатирчи районидаги Киров номли колхознинг бош агрономи Суюндиқ Худоёров ўзининг янги дўстига сира эринмай маслаҳат берар, илгари Самарқандда ҳам ана шу нав пахта экиб ўстирилганлиги тўғрисида сўзларди.

— Бу пахта нави бизга ҳам жуда маъқул тушган эди, деди Суюндиқ. Аммо кейинги йилларда бизнинг далаларда вилт касаллигининг кўпайганлиги учун бу навни экиб ўстириш мушкул бўлиб қолди. Билишимча, сизларнинг далаларингизда вилт касаллиги йўқ экан, бу нав пахта сизларнинг ерингизга жуда мос.

Агроном ва бригадир дала оралаб кетишди. Улар ҳар ер-ҳар ерда энгашиб, ғўза тупларини кўришар, тўлишиб, очилай деб қолган кўсакларни санашар, Ўзбекистонлик агроном озарбайжонлик дўстига қувониб гапиришарди.

— Жуда яхши меҳнат қилибсизлар. Камида 20 центнердан оласизлар. Бизда егиштирилган нав пахтани шунчалик яхши парвариш қилиб ўз шароитингларда бу хил ҳосил олаётганликларингиз бизларни ҳам қувонтиради.

8-совхозда 1800 гектар ерга чигит экилган. Совхоз ишчилари ҳақиқатан ҳам яхши меҳнат қилишибди. Биз уларнинг кўп далаларида бўлдик. Пахтакорлар ҳосилнинг кўп қисмини машиналарда, Ўзбекистонда тайёрланган «зангори кема»ларда териб олишга аҳд қилганларини айтдилар.

Аҳмад Мирзаев бригадаси 110 гектар ерда деҳончилик қилади. Шу ерлардаги пахтанинг юз гектаридаги ҳосилни ўзи машиналарда териб олмоқчи. Чигит экишни ҳам, ғўза парваришини ҳам Аҳмад ўзи бажарди. Совхоз директори бу бригада хўжалигимизда тўла механизациялашган бригадалардан деб атади. Райондаги «Коммунист», Наримонов номли, «Галаба» ва бошқа колхозлар ҳам шу нав пахта чигитини экиб, бир неча йилдан бери мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Райондаги колхоз ва совхозлар ерларини айланиб юрганимизда шу нарса кўзга яққол ташландики, Озарбайжон деҳқонлари қўриқ ерларни йил сайин оз-оздан бўлса ҳам ўзлаштириб экинзорларга айлантирмоқдалар. Бу ерларда энди бошланган ва тобора кенг кўламда ривожлантирилаётган мелиорация ишлари унумдор ерларни деҳқонлар қўлига тутқазмоқда. Вертикал дренажлар шўр ва аччиқ сувни ер тубига чуқурроқ тортиб коллекторларга чиқариб ташламоқда. Орадан кўп ўтмай оппоқ туз қоплаб ётган ерлар тозаланиб экин-экроат ўстириладиган майдонларга айлантирилмоқда.

— Ҳали бу соҳадаги ишларимиз жуда ҳам кўнгилдагидек эмас,— дейди район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ҳидоят Бадалов. Бизга давлат томонидан катта ёрдам берилмоқда. Ерлар тозаланиб, экинзорларга айлантирилаётир. Яқин йилларда Қорабоғ водийси пахтазорларга, мевазорларга айлантириб юборилада. Биз сугориладиган ерларда ғаллачиликни ривожлантириш, чорвачиликни яхши йўлга қўйиш режаларини тўзганмиз ва бу режалар амалга оширилаётир.

Евлах райони юқорисида жойлашган Мингчовур сув омборига бордик. Бу сув омбори Қорабоғ водийсидаги 172 километрга чўзилган Юқори Қорабоғ ва Ширвон водийсини об-ҳаёт билан таъмин этиб турган Ширвон каналларига сув беради. Сув омборида 16 миллиард куб метр сув сақланмоқда. Унинг 11 миллиард куб метри йил бўйи каналларга оқизилади. Шу сув омбори қурилиши муносабати билан катта шаҳар барпо этилди. Шаҳар кўчалари кенг ва озода, баландқават иморатлар қомат кериб турибди. Бу ерга нафақат мамлакатимиздан, ҳатто ҳорижий мамлакатлардан ҳам туристлар келиб катта бир денгизни эслатувчи сув омборида кемаларда сузадилар. Унинг қирғоғини ўраб олган мовий тоғ бағирларида ҳордиқ чиқарадилар. Ўтмишда дўзоҳдан ҳам баттар қиёс қилинган Евлах районини мана шу сув омбори ҳавоси оромбахш ўлкага айлантириб юборди.

Евлахдаги Ильич номли колхоз қўшни Агдаш район билан чегарадош. Биз Агдашга ўтиб кетаётиб шу колхозда бўлдик. Хўжалик раиси, Озарбайжон ССР Олий Советининг депутати Алагўз Жаъфарова бизни очиқ чеҳра, хурсандчилик билан кутиб олди. Дала шийпонида тарвуз сўйиб берди. Тарвуз кичкина бўлса ҳам жуда ширин эди. Кимдир ҳамроҳлардан бири, «сизлар қовун-тарвузга минерал ўғит солмайсизларми» деб сўради. Раиса кулиб:

— Ие, қовун-тарвузга ҳам минерал ўғит солинадими, мазасини қирқиб юборади-ю,— деди.

Ҳақиқатан ҳам қайси колхоз, совхозда бўлмайлик, қовун-тарвуз билан меҳмон қилишар, унинг шираси жуда яхши эди. Бизнингча полиз экинларига минерал ўғит солиш масаласини ўзбек деҳқонлари ҳам бир ўйлаб кўрсалар бўларди.

Дарвоқе, ранса билан пахтачилик ҳақидаги гапимиз тўхтаб қолди. Ў дала шийпони тепасига ёзиб қўйилган шиорларни ўқиётганда ийманибгина:

— Энди, бизнинг колхозларимиз пахтачиликда сизлардан анча орқада туради. Лекин шундай бўлса ҳам ҳаракат қиляпмиз, давлатга кўпроқ пахта бериш учун. Бу йил 340 гектар ерда пахта етиштиряпмиз. Планимиз 14 центнердан. Ҳосилни чамалаб гектаридан 18 центнердан пахта топширишга қарор қилдик...

Самарқандлик агроном Суюндиқ Худоёров, «Узсельхозтехника» Янгийўл район бошқармаси Чиноз бўлимининг бошлиғи Сергей Александрович Саямов ўртоқлар колхоз пахтазорларини айланиб кўриб, қорвачиликни яхши йўлга қўйишлари, меҳнат натижаларингиз кўриниб турибди дейишди. Бизнингча шийпон тепасига 600 тонна пахта териб берамиз деб ёзган шиорларингизни ўзгартириб 700 тоннага аҳд қилсаларингиз, бемалол уддасидан чиқасизлар деб таъкидлашди. Уларнинг бу гапи раисга маъқул бўлди шекилли олдин бригада бошлиқларига қараб ва кейин, дарҳақиқат ҳосилимиз яхши бўлибди, деб қўшиб қўйди. Шу ерда ўзбек пахтакорлари айтганидек, улар мажбуриятларини ўзгартириб она-Ватанга 700 тонна пахта беришга қарор қилганликларини айтдилар. Шу суҳбат вақтида қўшни Агдаш район партия комитетининг биринчи секретари Ислом Фарзалиев ҳам бор эди. У ҳам Ильич номли колхоз аъзолари айтган мўлжалларга бемалол эришишлари мумкинлигини таъкидлади.

Биз Қорабоғ водийси билан хайрлашиб, Ширвон водийсига йўл олганимизда кўз ўнгимизда яна ҳам гўзал, инсон меҳнати билан янги либос кийиб ўз чиройини кўз-кўз қилаётган ажойиб водий намоён бўлган эди.

Ўзбекистондан борган меҳмонлар Агдаш районидаги «Кавказ» колхозида узоқ вақт бўлдилар. Улар хўжаликнинг бир қанча бригадаларини бориб кўрдилар. Дала ишлари меҳмонларга жуда маъқул бўлди. Колхоз раиси Ҳалил Халилов кейинги йилларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Бу колхоз ўтган йили планни ошириб бажарган. Гектаридан 16 центнердан ҳосил олган. Бу албатта бизнинг деҳқонлар учун ғалати туюлди. Лекин колхоз бир неча йиллардан бери планни сурункасига бажармай келаётганлиги, ҳосилдорлик 7—8 центнерга тушиб қолганлиги тўғрисидаги гап айтиб берилгандан бир йил нчида шунчалик ўсишга эришилганига ажабланмай қолинди. Ҳақиқатан ҳам «Кавказ» колхози кейинги вақтларда райондаги камқувватли хўжаликлардан бири бўлиб қолган эди. Колхозга ёш, ҳаракатчан, агрономия фанини яхши биладиган Халил Халилов раис қилиб сайланганда у аввалига ишни қаердан бошлашни билмай қийналди. Ерларини ўт босиб кетган, мелиорация ишлари изидан чиққан ,бир қанча бригада бошлиқлари масъулятни ҳис қилмай қўйган эдилар. Ёш раис ўз атрофига ишчан, меҳнатқаш, деҳқончилик тилини яхши биладиган кишиларни йиғди, кексалар билан маслаҳатлашди. ёрдам сўраб райкомга борди. Ана шу биргаликда қилинган ҳаракат бир йилдаёқ ўз самарасини кўрсатди.

— Колхозимизга ташқаридан бironта янги одам келгани йўқ, бирор хўжалик кўчиб ҳам кетмади,— кулиб дейди Халил Халилов. Ҳаммамиз ўша-ўша одамларимиз, техникамиз ҳам ўша. Суверимиз ҳам ўзгаргани йўқ. Фақат биз одамларга муомалани ўзгартирдик. Яхши гапирдик. Каттани ака, кичикни ука дедик. Уй-рўзгорига қандай ёрдам керак бўлса қўлимиздан келганча бердик, бола-чақасидан хотиржам бўлган колхозчи астойдил ишга киришди. Аввало, бегона ўтни йўқотдик. Ерларни текисладик. Пахтачиликда агротехника қоидаси нимани талаб қилса, шунга амал қилдик. Мана шу, бизнинг тажрибамиз. Мен ўйлайман, бу йил ҳосилни 20 центнердан ошириб юборамиз. Бу етмишинчи йилдагига қараганда гектаридан ҳосилни 12—14 центнерга оширилди демакдир. Шу билан тўхтаб қолмаймиз. Бу йил йигирмадан юқори бўлса, янги йилга йигирма бешга чиқамиз. Ҳа, Озарбайжон деҳқонлари пахта ҳосилдорлигини оширнш йўлларини тобора яхши билиб бормоқдалар.

Республиканинг бошқа районлари— Зардоба, Курдамир, Оксув каби кўпгина районларида бўлган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари ҳам Халил Халилов айтган сўзларни такрорладилар. Ҳақиқатан ҳам Озарбайжон пахтакорлари мамлакат пахтачилигини ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар бу йил она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилдилар.

Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг бригада бошлиғи Деҳқонбой Каримов бундай дейди:


— Мен бўлган жойларда деҳқонлар билан дўстона суҳбатлашдим. Ўз ишларимиз тўғрисида гапирдим. Бригадамиз аъзолари бу йил гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштирмоқчилар, бу ҳосил ҳозир далаларимизда бор, деганимда мусобақадошларимиз биз ҳам шу даражага яқин йилларда етиб оламиз, деб қатъий айтдилар.

Меҳмондўст, кардошлик меҳр-муҳаббати билан тўлиб-тошган Озарбайжон пахтакорлари билан бизнинг деҳқонлар жуда дўстлашиб қолдилар. Улар бир-барлари билан мусобақа боғладилар, адресларини алмашдилар.

Қорабоғ ва Ширвон водийлари кишилари билан хайрлашарканмиз, уларнинг Озарбайжон қўёши тафтида пишган ёқимли чеҳралари, меҳнатсевар қўллари, меҳмондўстликлари кўз ўнгимиздан кетмас эди. Биз бу ғузал ўлка билан яна кўришгунча, деб хайрлашдик.

С. МАҲКАМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ МУСОБАҚАДОШ ОЗАРБАЙЖОН ДАЛАЛАРИДА



БОКУ. Нефтчилар проспекти.

●

РЕСПУБЛИКА пойтахтида 26 Боку комиссарига ўрнатилган монумент-ёдгорлик.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири А. АБАЛЯН фотолари.

ХИЗМАТИМИЗ-ХАЛҚҚА

БЕШИЙИЛЛИК ВА САВДО

Партия XXIV съезди Директиваларида умумий овқатланиш тармоқлари ишини яхшилашга алоҳида эътибор берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби ҳали бизда мавжуд бўлган кафе, ресторан, ошхона ва буфетлар халқимизнинг шу кунги талабини қондиролмаяпти. Жой етишмаслиги, хизмат кўрсатиш даражасининг айтарли юқори эмаслиги, тайёрланаётган таомлар тури ва сифатидаги айрим нуқсонлар ҳамон кўрандаларни ранжитмоқда. Шунинг учун ҳам умумий овқатланиш корхоналари тармогини кенгайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишнинг ранг-баранг ва энг қулай усулларидан фойдаланиш, таомлар сифатини яхшилашга эришиш асосий вазифалар бўлиб қолмоқда.

Шубҳасиз, трестимизда бу борада анча ишлар амалга ошириляпти. Хозирги пайтда трестда ярим хўжалик ҳисоби асосида ишловчи 132 умумий овқатланиш корхоналари бўлиб, улар бир йўла 7500 кишига хизмат кўрсата олади. Бундан ташқари саноат корхоналари ва мактаблар территорияларида 2812 ўринли буфет, кафе ва бошқа савдо точкалари мавжуд.

Ошхона, кафе, буфет ва киоскалар қуриш йиллик планларининг муntазам бажарилиб келиниши зиммамиздаги товар-оборот планларини ҳам ўз вақтида ошириб адо этишимизда муҳим роль ўйнамоқда. Узоқ-қа бормайлик. Биргина ўтган йилнинг ўзида 6 миллион 450 минг сўмлик ҳар турдаги маҳсулот реализация қилиниди ёки план 101,5 процент қилиб бажарилди. Бу йил эса ярим йил давомида пландан ташқари 53 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари сотилди. Бу кўрсаткичлар трестимизнинг йил сайин олдинга томон одимлаб бораётганлигини кўрсатади.

Лекин гап фақат рақамларда эмас. Чунки умумий овқатланиш корхоналарининг иши кишиларга кўрсатилган хизмат даражаси, уларнинг кайфияти билан ўлчанади. Трест коллективи иш жараёнида ҳамиша ана шуларни эътиборда тутмоқда. Бунинг учун бизда кўрандалар билан сиртқи конференция ўтказиш, ёш ошпазлар ва усталар конкурсини уюштириш, ошхоналараро социалистик мусобақани яхши йўлга қўйиш сингари тадбирлар тажриба қилинмоқда. Шуни айтиш керакки, бу тадбирлар яхши самара беряпти.

Ўтган йили «Ташсельмаш» заводида ўтказилган сиртқи конференция натижасини олиб кўрайлик. Конференция қуйидаги тартибда ўтди: 150 ўринли ошхонадаги столлар устига махсус варақалар қўйилди. Варақада ҳар бир кўрандага уч савол билан мурожаат қилинган эди. Яъни у: «Таом тўғрисидаги фикрингиз?», «Ошхона ишини яхшилашга қандай ҳисса қўшаолasиз?», «Ошпазлар хизмати сизга ёқадими?» деган саволларга жавоб бериши лозим эди.

Кўрандалар фикрини билишнинг бу формаси ҳартомонлама қулайлик туғдирди. Чунки у ўз таклифи ва мулоҳазасини тортинмасдан, очиқ-ойдин баён этди. Шунда қуюв цехининг ишчилари Москва, Ленинград ва Киев шаҳарларининг ишчи ошхоналарида кўпдан бери қўлланиб келинаётган методдан фойдаланишни бизга тавсия этишди. Бунда ҳар бир ишчига маълум қийматдаги ва бир неча кунга мўлжалланган талон бир ҳафта илгари сотиб қўйилади ва бу махсус дафтарда қайд этиладн. Худди шунга кўра ошхона ходимлари туш вақтида ишчига овқатни стол устига келтириб тайёрлаб қўядилар. Бунда ишчи ҳам вақтдан ютади, ҳам унинг кайфияти юксак бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бу тадбир ишчининг ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлигига ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозир трестдаги 7-, 9-ошхоналар ана шу усулда ишламоқдалар.

Маълумки, ошхоналарда таомнинг сифатли тайёрланиши асосан кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам трестда ошпаз кадрлар малакасини ошириш, ёш ошпазларни тайёрлашга доимо эътибор билан ёндошиляпти. Хусусан 9-ошхона кошида ёш ошпаз ва кулинарлар мактаби ташкил этилган бўлиб, уларни ҳар йили 8—10 синф маълумоти бўлган 40 га яқин ўқувчи битириб чиқади.

Мактабда машғулотларни трест инженер-технологлари олиб борадилар. Талабалар ўқиш муддатини тугатгач, уларга ошпаз-кулинар деган гувоҳнома берилади. Трест қошида кўп йиллар давомида ишлаб келаётган ошпазларнинг малака ошириш курси ҳам мавжуд. Бир йилда бир марта ўтказиладиган бундай курслар вақтида чиндан ҳам ўз меҳнати билан ҳурмат қозонган кишиларнинг разряди оширилади. Курсларда уста ошпазларнинг тажрибаси оммалаштирилади.

Масалан, ўтган йилги ана шундай курсда ўз касбининг устаси бўлган ошпаз Ҳамдам Миразизовнинг тажрибаси ўрганилди. У ҳамкасбларига сифатли таом тайёрлашда нималарга эътибор бериш кераклигини айтиб берди. 3-ошхона пазандаси А. Большакова, «Ташсельмаш» заводи ишчилар ошхонасининг ходими Тоҳир Мансуровларнинг иш тажрибаси ҳам ўрганилди.

Мен юқорида бизнинг ишимиз фақат планни бажариш учун курашдан иборат бўлмаслиги керак деган эдим. Савдо ходимлари, шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари хизматчилари ўзларининг маънавий-сиёсий етукликлари билан ҳам намуна кўрсата олишлари керак. Бу эса хизматчилар орасида оммавий-сиёсий ишларни талаблар даражасида ташкил этишни тақозо этади. Трест корхоналарида ҳафтанинг ҳар сешанба куни эрталаб 8.30 дан 9 гача сиёсий ахборот ўтказилади. Ахборотни «Билим» жамияти район ташкилоти билан келишган ҳолда уюштиряпмиз. Уни ўтказишда трест раҳбар ходимлари билан бирга бошқа илғор савдо ходимлари ҳам иштирок этаётирлар. Сиёсий ахборотлар бевосита ўз коллективимиз ҳаётидан олинган маҳаллий фактлар билан бойитилаётир.

Биз кўпчилик умумий овқатланиш корхоналари қатори ўзимизнинг беш йиллик истиқбол режаларимизга эгамиз. Бу режаларда белгиланишича, товар оборотн бу беш йилликда ўтган беш йилликдагига нисбатан 8 миллион 406 минг сўмлик ортиши керак. Дастлабки йиллар самараси планнинг бемалол бажарилишидан дарак бермоқда. Хусусан шу кунга қадар 300 ўринли ошхона ва 150 ўринли кафе муддатидан илгари фойдаланишга топширилди. Бу эса ойлик ва квартал планларини ортиғи билан адо этиш имконини берди.

Ходимларимиз ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Бизда ҳар бир хизматчи ўз ишини шахсий план асосида олиб бораётир. 12 ошпаз кечки ва сиртқи олий ўқув юртларида билим оляпти. Ошпазлар орасида коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун ҳаракат кенг йўлга қўйилган. Яқинда «Ташсельмаш» заводи ошхонасида хизмат қилаётган ёш ошпазлардан бир группаси ана шу номга сазовор бўлди.

Шу кунларда коллективимиз СССР ташкил топган кунининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда. Биз бу муҳим сана муносабати билан қатор тадбирлар ишлаб чиққанмиз. Хусусан, йиллик товар оборотя планини 27 декабрда бажаришга аҳд қилдик. Шу кунга қадар яна 350 ўринли умумий овқатланиш корхоналари фойдаланишга топширилади. Ярим фабрикатлар, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш кўпаяди. Юбилей кунлари олдидан 430 кўргазма ўтказилади.

Ўйлайманки, аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини оширишга қаратилган бу тадбирлар умумий овқатланиш корхоналари хизматчиларининг зиммасига катта масъулият юклайди ва улар бу вазифаларни шараф билан адо этадилар.

Т. АЗИЗОВ,
Ҳамза район ошхоналар трестининг директори.

ДУНЁ ОВОЗИ

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ АДОЛАТЛИ КУРАШИ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

ВЬЕТНАМ ХАРАКТЕРИ

Бундай манзарани тасаввур қилиб кўриш даҳшат, лекин бу ҳақда обдон ўйлаб кўриш керак. Юзлаб Б-52 бомбардимончи самолётлари Нью-Йоркдаги беш районнинг ҳаммасига бомбалар ёғдирмоқда. Бруклин кўприги қоқ ўртасидан ажраб кетган. Бруклин ва Манхэттен кўчалари увада-вайрон бўлган. Колумб университети ер билан тенглашиб, авлиё Патрик кафедрал собори ўрнида жарлик. Минглаб кишилар харобалар остига кўмилиб кетган.

Қутқарув командалари кечаю кундуз тиним билмайди, ўлганлар ва ярадорларни ер тагидан қазиб олишмоқда, бошқа командалар харобани тозалаб, транспорт ҳаракатини йўлга қўйиб юбормоқчи бўладилар. Лекин, бомбардимончи самолётлар яна қайтиб келиб, одамлар ва қолган-қутган бинолар устига бомба ёгдирадилар. Такрор айтаманки, бундай манзарани ҳатто тасаввур қилиш ҳам даҳшат. Бироқ, бу Б-52 бомбардимончи самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг шаҳарларида ҳозирги вақтда қилаётган вахшийликларидан кўра даҳшатли эмас.

Пентагоннинг ҳаво армиялари Вьетнамга қароқчилик ҳужуми уюштириб, қанчадан-қанча одамларни қириб юборяётганлигини Америка Қўшма Штатларида тобора тушуниб етмоқдалар. Лекин бундан ҳали ҳулоса чиқарилганича йўқ. Кўпчилик сайловлар олдидан ёки ундан кейин бирон бир ўзгариш бўлса керак, деб кутмоқда. Аммо вақт кутиб турмайди. Жанубий Вьетнам ёки Шимолий Вьетнамнинг напалмда куйдирилган ва бомба остида қолган болаларининг суратини газеталарда кўрганингда буни айниқса чуқур тушуниб етасан. Вашингтонда «аянчли хатолар» тўғрисида расман афсусланиб гапирилмоқда. Бироқ Жанубий Вьетнамга атайин напалм юборилмоқда, ДВРни ҳам атайин бомбардимон қилинмоқда.

Мен ахлоқ ҳақидаги масалани—эҳтимол, ана шу бутун урушда ҳал қилувчи элемент ҳисобланган масалани кўтариш учун шу сатрларни ёзмоқдаман. Оқ уй ва Пентагон: «Бомбардимон қилишни кучайтириш натижасида Шимолий Вьетнамда маънавий руҳ пасайиб кетди» деган маънода бизнинг жамоатчилигимизни ишонтириш учун пропаганда кампаниясини бошлаб юборди.

Бундан бирнеча кун илгари оқ уйлик бир амалдор (унинг номи тилга олинган йўқ) Ханойнинг ҳозирги аҳволини тасвирлаб берди. Бироқ унинг тасвиридаги Ханой мухбирлар ва дипломатлар ўз кўзлари билан кўрган Ханойнинг тескарисидир. «Нью-Йорк таймс» газетасида ишлайдиган Энтони Льюис —шундай мухбирларнинг бири. У яқинда Шимолий Вьетнамда икки ҳафта бўлди. Льюис ўз мақолаларида уруш тўғрисидаги ҳақиқатни ошкора ҳикоя қилиб берди ва бу урушни дарҳол тўхтатишга даъват этди. У бундай ёзди: «Албатта, Америка разведкаси Шимолий Вьетнамдаги аҳвол тўғрисида аниқ маълумот олиши осон гап эмас. Бироқ, Ханойда руҳий тушкунлик пайдо бўлди, деган уйдирмага ишонадиган жиддий расмий кишилар бўлиши бахтсизликдир... Ғарбнинг тажрибали дипломатларидан бири «руҳий тушкунлик» ҳақидаги маълумотни эшитгач, бу маълумотни «беъмани ва ҳеч бир асоссиз» деб таърифлади.

Льюис қуйидаги хулосаларида мутлақо ҳақ. «Агар яна бир зўр берсак, коммунистлар биз қўйётган шартларда музокаралар олиб боришга мажбур бўладилар, деб ҳисоблаётган Америка раҳбарлари тарих олдида ўз зиммаларига жиддий жавобгарлик юкламоқдалар». Ўз мақолаларидан бирида Льюис вьетнам халқининг юксак маънавий руҳи ҳақида ҳайратланиб ёзади ва шундай савол беради: «Бунақа юксак маънавий руҳ қаердан келади? Эҳтимол, бу мутаассибликдир...».

Мен яқинда Шимолий Вьетнамдан қайтиб келдим. Бу ерда мен Гэс Холл бошчилигидаги Америка коммунистлари делегациясининг аъзоси сифатида бўлдим. Биз қарийб тўрт йиллик танаффусдан кейин Ханой ва Хайфонни яна бомбардимон қилиш бошланишидан бир неча соат илгари етиб бордик. Мен Хайфон харобаларини ўз кўзим билан кўрдим, бомбардимон қилинаётганда Ханойда бўлдим. Биз мамлакат раҳбарлари билан ҳам, энг оддий кишилар — ишчилар, деҳконлар, студентлар, журналистлар билан ҳам суҳбатлашдик.

Халқнинг юксак маънавий руҳи делегациямизда айниқса чуқур таассурот қолдирди. Айни вақтда биз ана шу халқ чекаётган беҳисоб жабр-жафолар тўғрисида юракда дард ва алам билан ўйлаб кетдик. Бироқ на бирор эркак, на бирор аёл таслим бўлиш ҳақидаги фикрни миясига йўлатди. Улар ҳамма нарсага чидадилар. Улар инсон тасаввуридан ҳам ортиқроқ чидадилар.

Жонсон АҚШ ҳокимияти тепасида бўлганида Шимолий Вьетнам қандай бомбардимон қилинганини бир эсланг. Биз Ханойда Шимолий Вьетнамнинг асосий саноати 1966 йилдаёқ шаҳарлардан ғорларга кўчирилганлигини билиб олдик. Биз тоғларда қазилган ғорларни бориб кўрдик. Фақат ватанга чексиз садоқат, озодлик ва мустақиллик ғояларига садоқат туфайлигина вьетнамликлар мармар қоялар орасини ёриб, майдон очиш, унда деярлик бутун саноатни жойлаштириш имконига эга бўлганлар.

Вьетнам халқига юксак маънавий руҳ берган замин капиталистик жамият кишилари учун жумбоқдир. «Улар бизга ҳамиша тўғри баҳо бера олмайдилар,— деди менга «Нян зан» газетасининг редактори ўртоқ Хоанг Ксинг,— улар бизнинг курашиш ва қуриш қобилиятимизга тўғри баҳо бераолмайдилар».

Вьетнам халқининг психологиясини, Вьетнам характерини агрессорлар тушуниб етиши амри-маҳол. Капитализм ҳамма нарсани пул билан ўлчашга одатлайган. Ҳар қандай нарсани ҳам пулга сотиб олса бўлади, деб ҳисоблайди. Буржуазия ҳақиқат тўпнинг ўқида , ўқни эса пулга ясаш мумкин, деб ўйлайди.

Сайгон ҳам — Вьетнам-ку. Ле Зуан ва Тхиеу бир мамлакатда туғилишган. Бироқ Жанубий Вьетнам қуролли кучларида қаҳрамонлик ва юксак маънавий фазилатлардан номишон йўқ. «Нью-Йорк таймс» газетасининг 12 июнь сонида Чарльз Морнинг Сайгондан юборган мақоласи босилган. Бу мақолада кейинги ўн йил мобайнида қарийб ҳеч қаерга чиқмай, Жанубий Вьетнамда хизмат қилган ҳарбий маслаҳатчилардан бирининг сўзлари келтирилган. Ўша ҳарбий маслаҳатчи бундай савол беради: «Сиз Жанубий Вьетнам армиясининг руҳий ҳолати яхши бўлганлигини ҳеч қачон кўрганмисиз?».

Афтидан тарих ва анъаналар Вьетнам ватанпарварларининг юксак маънавий руҳи манбаларини тўғрисидаги масалага тўла жавоб беролмайди. Бу манбалар, дейди Хоанг Ксинг, халқни юксак ва олижаноб ғоялар руҳлантираётганлиги ва унга марксчи-ленинчи партия раҳбарлик қилаётганлигидадир. Худди шу фикрни Вьетнам Меҳнаткашлар Партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан ҳам такрорлади. Мана шу коммунистлар Қаршилик кўрсатиш ҳаракатини ташкил этдилар, натижада япон ва француз мустамлакачилари Вьетнам тупроғидан қувиб чиқарилди. Мана шу коммунистлар халқни Америка агрессиясига қарши курашга сафарбар этдилар.

Вьетнам меҳнаткашлар партияси программасининг амалга оширилиши натижасида ВДРда ер кооперативларга уюшган деҳқонларга берилди. Фабрика ва заводлар, мамлакатнинг бутун бойлиги халқникидир. Шунинг учун меҳнаткашлар қаҳрамонона курашмоқдалар — улар ўз уйларини, ўз далаларини, ўз фабрика ва заводларини ҳимоя қилмоқдалар.

Ҳиндихитойда марксча-ленинча таълимотнинг энг биринчи тарғиботчиси Хо Ши Мин эди. Хо Ши Мин ва унинг сафдошлари жанговар коммунистик партияни тузидилар. Улар ишчи ва деҳқонлар иттифоқини вужудга келтирдилар ҳамда ўз атрофларига интеллигенция вакилларини, масалан Во Нгуен Зиап сингари кишиларни жалб этдилар. Во Нгуен Зиап тарих муаллими эди. Ҳозир ВДР бош министрининг ўринбосари, миллий мудофаа министри бўлган бу киши айтганидек, Вьетнам халқи юз йилдан ортиқроқ вақтдан буён ўз озодлиги учун олиб бораётган курашининг тарихи шуни кўрсатиб турибдики, бизнинг даврimизда миллий озодлик уруши, чинакам халқчил революцион уруш ишчилар синфи раҳбар бўлгандагина пухта ташкил этилиши ва тўла ғалабагача етказилиши мумкин.

— Вьетнам халқи ғалабаларининг сабаблари шундаки, деди Во Нгуен Зиап,— Вьетнам ишчилар синфининг партияси янги типдаги партиядир, чинакам революцион руҳдаги партиядир.

Шимол меҳнаткашларида ҳам, Жануб меҳнаткашларида ҳам ғалабага ана шундай ишонч бор. Вьетнам халқи ўз эркн ва мустақиллигини, ўзининг бахтли ҳаёт кечиришга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиб қолмоқ учун барча қийинчиликларга бардош беришга тайёр.

Жозеф НОРТ,
америка публицисти.
(«Новое время»дан)

БИЗ СИЗ БИЛАН, ВАТАНПАРВАРЛАР!

Совет-Вьетнам дўстлиги ва Вьетнам халқининг АҚШ агрессиясига қарши курашн билан бирдамлик ойлиги тугади. Пойтахт жамоатчилиги вакилларининг 20 августда Измайловодаги маданият ва истироҳат паркида ўтказилган йиғилишида ойлик натижалари якунланди.

Вьетнам Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Во Тхук Доиг, Жанубий Вьетнам Республикасининг элчиси Данг Куанг Минь, шу элчихоналарнинг дипломатик ходимлари йиғилиш президиумидан жой олдилар.

Бутун мамлакатда, шаҳарлар ва қишлоқларда, заводлар ва фабрикаларда, илмий тадқиқот институтларида, колхозлар ва совхозларда оммавий митинглар, дўстлик кечалари, суҳбатлар ўтказилди, дўст Вьетнамдан келган ноиллар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шу митинглар, кечалар ва учрашувларда совет кишилари Ҳинди-Хитой халқларига қарши сира мисли бўлмаган шафқатсиз уруш олиб бораётган Америка агрессорларини қаттиқ қоралдилар.

Турли ташкилотлар, муассасалар, айрим совет гражданлари Москвага, Совет-Вьетнам дўстлиги жамиятининг марказий правленнеси номига минглаб телеграммалар, хатлар юборишди. Шу телеграммалар ва хатларда Америка ҳарбийларининг ҳаддан ошган ҳаракатларига чек қўйилсин, Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш тўхтатилсин, АҚШнинг барча қўшинлари Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетилсин, Вьетнам халқига ўз тақдирини ўзи ҳал этиш имконияти берилсин, деган талаблар қўйилган эди.

СССРнинг 38 та ўлка, область ва Республикаларида Совет-Вьетнам дўстлиги жамиятининг бўлимлари тузилган. Улар шу ойлик давомида Вьетнам меҳнаткашларининг ҳаётини тушунтириб бериш борасида катта иш қилдилар.

Совет-Вьетнам дўстлиги жамияти марказий правленнеси раисининг ўринбосари В. Е. Вавилина Измайлово паркидаги йиғилишда сўзга чиқиб айтдики, бу ойлик Совет ва Вьетнам халқлари дўстлигининг ёркин намойишига айланди. Бу ойлик ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун, тинчлик учун, АҚШ империалистларига қарши муқаддас кураш олиб бораётган Вьетнам халқининг ҳаққоний ишини яққол қўллаб-қувватлаш намойиши тариқасида ўтди. Совет халқи Вьетнамнинг содиқ дўсти бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Вьетнам халқининг ҳаққоний иши енгиб чиқади.

Элчи Во Тхук Доиг минбарга чиқади. У Вьетнам халқининг агрессор билан олиб бораётган курашига ёрдам ва мадад бериб турган КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, бутун совет халқига ташаккур изҳор қилади.

Бизнинг халқимиз, деди элчи, жон бериб, жон олиб курашмоқда. Пентагон уруш олиб боришнинг ҳар қандай вахшиёна усулларини қўлланишдан қайтмаётир.

Бутун тараққийпарвар инсоният, холис ниятли кишиларнинг ҳаммаси Вьетнам халқини баралла ҳимоя қилмоқда. Биз уларга қизғин ташаккур изҳор қиламиз. Совет Иттифоқи меҳнаткашларига саломимий ташаккуримизни билдирамиз.

(ТАСС).



✦ ВДР. Тханьхоа вилоятининг халқ кўнгиллилари соҳил отрядлари денгизга ов қилиш учун чиққан балиқчиларни агрессорнинг тўсатдан бўладиган ҳужумидан ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.

ШАҲАРЛАР БОМБАРДИМОН ҚИЛИНМОҚДА

ХАНОЙ, 21 август. (ТАСС). Америка авиациясининг ВДР шаҳарларини бомбардимон қилиши муттасил тўсга кириб қолди. Ханой, Хайфон, Намдинь, Тхайнгуен, Вьетчи, Винь, Хонгай, Камфа, Фули, Хингиен, Ниньбинь шаҳарлари қароқчиларча ҳужум объекти бўлиб қолди. Сўнгги кунларда Тханьхоа, Хайзионг, Иенбай, Тхайбинь шаҳарларига қаттиқ зарба берилди. Америка самолётлари 19 августда Тхайбинь шаҳрининг ўзигагина 100 дан ортиқ фугас ва парчаланувчи бомба ташлади. Шунинг натижасида 47 киши ўлди ва 50 киши ярадор бўлди, кўпгина уй-жойлар, госпиталь, санаторий, медицина билим юрти, озиқ-овқат омборлари вайрон қилинди.

Ханой матбуоти ВДР шаҳарлари ва бошқа аҳоли яшайдиган районларнинг бомбардимон қилинишн халқаро ҳуқуқни қўпол равишда поймол қилувчи жиддий жиноят, деб кўрсатмоқда.

ОЗОДЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

23 август—румин халқи учун энг азиз ва мўътабар кун. Бундан 28 йил муқаддам худди шу куни Коммунистик партия раҳбарлигидаги ватанпарвар кучлар қуролли қўзғолон кўтариб, ҳарбий-фашистик диктатурани ағдарди ташладилар. Мамлакат ва унинг халқи ҳаётида янги давр бошланди, халқ-демократик давлат тузумини барпо этиш имконн туғилди.

Халқ ҳокимияти йилларида Руминия социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳар томонлама ёрдамига таянib ва уларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, Коммунистик партия раҳбарлиги остида социализм қуриш йўлида жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳозирги Руминия қудратли индустриал—аграр мамлакат ҳисобланади. Унинг саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти ва фан-техникаси тинмай юксалмоқда. Республика саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суратлари бўйича ҳозир жаҳоннинг энг юқори ўринларидан бирини эгаллайди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатда саноат ишлаб чиқариши 18 баравар ўсди. Саноатда меҳнат унумдорлиги ўтган йили 11 процент ортди. Бу йил эса 8 процент ўсиши кўзда тутилмоқда. Республиканинг машинасозлик, электротехника, энергетика, кимё снигари етакчи тармоқлари жадал ривожланмоқда.

БУГУН—РУМИНИЯНИНГ ОЗОДЛИК КУНИ

Руминия Социалистик Республикаси Ўзаро Иқтисодий ёрдам Кенгашининг аъзосидир. У кенгашга аъзо бўлган социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорликни тобора кучайтирмоқда. Руминия машинасозлик саноатининг фахри ҳисобланган Бухарест автобус заводи социалистик интеграция системасига киритилган. Завод ишлаб чиқараётган автобуслар, митти автобуслар, юк машиналари, «тез ёрдам» машиналари ва троллейбуслар социалистик ҳамдўстлик онласининг жуда кўп мамлакатларига чиқарилмоқда.

60-йилларнинг бошига келиб деҳқонларни кооперативларга бирлаштириш тугалланганлиги румин қишлоқлари ҳаётида чинакам революция бўлди ва қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш сари йўл очди. Ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш 18 процент ўсди. Дон экинларидан мисли кўрилмаган мўл ҳосил —14,5 миллион тонна олинди.

Республикада маданий-оқартув муассасаларининг кенг тармоғи вужудга келтирилган. Кўплаб шаҳар ва қишлоқ маданият уйлари, клублар, кутубхоналар, музейлар ишлаб турибди. 300 дан ортиқ халқ университетларида 120 минг тингловчи ўз назарий ва сиёсий билимн ҳамда малакасини оширмоқда.

Совет иттифоқи ва Руминия Социалистик Республикаси ўртасидаги иқтисодий алоқалар яхши самара бермоқда. СССР Руминияга металл қирқувчи станоклар, кўтариш-транспорт ва йўл- қурилиш ускуналари, автомашиналар, темир маъдани, чўян, кимё маҳсулотлари ва бошқа товарлар етказиб бермоқда. Руминия эса Совет Иттифоқини электротехника ускуналари, юк вагонлари, кемалар, пўлат қувурлар, нефть маҳсулотлари, халқ истеъмоли товарлари билан таъминламоқда.

Руминия ҳозир ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Мамлакатда ҳар томонлама ривожланган социалистик жамият қуришга киришилди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган янги бешйиллик плани ана шу катта вазифани ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Румин халқи бешйиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Руминияда социалистик қурилиш жараёнида қўлга киритилаётган муваффақиятлар жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга қўшилаётган салмоқли ҳисса бўлиб, бутун дунёда тинчликни сақлаш ишига хизмат қилмоқда. Совет кишилари қардош румин халқининг бу ютуқларидан қалбдан қувонмоқдалар, мамлакатда янги жамият қуриш йўлида катта муваффақиятлар тиламоқдалар.

✦ РУМИНИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳозирги вақтда мамлакатда 1938 йилга нисбатан деярли 9 марта кўп цемент ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулот мамлакат эҳтиёжларини қондириш билан бирга бошқа давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Биказдаги цемент заводида 6 технологик линия ишлаб турибди. Суратда: Биказ цемент заводи.

Ажерпресс— ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК МИТИНГИ

СОФИЯ, 21 август. (ТАСС). Пазаржик округидаги Батак шаҳрида Г. Димитров туғилган кунининг 90 йиллиги ва СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган кўпминг кишилик митинг бўлиб ўтди. Болгария Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Болгар — Совет дўстлиги умумхалқ комитетининг раиси Ц. Драгойчева, Болгария Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Лилов, Совет Иттифоқининг Болгарнядаги элчиси В. Н. Базовский митингда ҳурматли меҳмонлар сифатида ҳозир бўлдилар.

Сўзга чиққан нотиқлар Г. Димитровнинг ва қаҳрамонона фаолияти тўғрисида, болгар-совет бузилмас дўстлиги ҳақида гапирдилар. Ҳар икки халқ ўртасидаги бу дўстлик азалдан буён давом этиб келмоқда.

Ц. Драгойчева ўз нутқида бундай деди: «Болгария Компартияси раҳбарлигидаги болгар халқи совет халқи ва унинг шонли Коммунистик партияси билан қўлни қўлга бериб, тараққий этган социалистик жамият қуришга қатъий қарор бергандир».


Митинг совет ва болгар халқлари бирлиги ва дўстлигининг ёркин намойишига айланди.

АМЕРИКАЧА „ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК"

НЬЮ-ИОРК, 21 август. (ТАСС). Расмий маълумотларга қараганда Қўшма Штатларда бир негр оиласининг ўртача даромади ҳудди шундай оқ танли америкалик оила даромадининг фақат 54 процентини ташкил этади.

Оила бошлиғи олаётган иш ҳақи ҳатто энг кам даражадаги тирикчилик ҳаражатларини қоплашга аранг етади. Башарти хотин киши иш топган тақдирда ҳам америкалик негрларнинг кўпгина оилаларида унинг олган ойлигини эриникига қўшган тақдирда ҳам тирикчилик ўтказишга ёрдам бермайди. Статистика маълумотларига қараганда, негр оилаларининг 29 процснти жуда камайтириб расмий равишда белгиланган «камбағаллик даражаси»дан ҳам пастроқ даромад олмоқда.

Негрлар орасида ишсизлик оқ танли америкаликлар орасидаги ишсизликдан 80 процент кўп. Иш топдим деб суюниб юрган қора танли америкаликлар одатда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасидаги кам ҳақ тўланадиган лавозимларда ишлайдилар, фермалар ва саноат корхоналарида малакасиз ишни бажариш билан шуғулланадилар.



НЬЮ-ИОРК, 21 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнамнинг Данангдан 45 километр жанубда жойлашган Кюэшон район маркази ватанпарварлар қўлида турибди. Кюэшондан кейин Сайгон қўшинларининг «Росс» артиллерия базаси дарҳол таслим бўлди. Озодлик кучлари душманни «Болди» ҳарбий базасига улоқтириб ташлади. Бу база қўғирчоқ армиясининг Дананг томонидаги жанубий остоналарида Кюэшон водисидаги охирги истеҳкомидир. Ана шу база атрофида шиддатли жанглар олиб борилмоқда, халқ озодлик қуролли кучларининг артиллерияси базани ўққа тутмоқда. Сайгон қўмондонлиги ҳужумни тўхтатишга уринib, ана шу районга 3.000 га яқин солдат ташлади. Бироқ, иккинчи Сайгон дивизияси офицерларининг тан олишича, «бу тадбир ҳеч қандай самара бермади» ва Сайгон қўшинлари катта талафот кўрмоқда.

Агентликларнинг таъкидлаб ёзишича, Кюэшон водисини назорат қилиб туришни қўлдан бой бериш Сайгон армиясининг энг йирик маглубиятларидан биридир, чунки «Жанубий Вьетнамдаги катталиги жиҳатидан иккинчи бўлган Дананг шаҳри бевосита хавф остида қолди».

Жанубий Вьетнамнинг шимолида жойлашган Куангчи шаҳри яқинида ва Сайгондан жанубдаги Меконг дарёси дельтасида ҳам қаттиқ жанглар давом этмоқда.

ХАНОЙ, 21 август. (ТАСС).

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучларининг Кюэшон водисида эришган муваффақиятлари Ханой матбуотининг диққат марказида турибди. Ватанпарварлар 17 августдан 19 августга қадар Кюэшон шаҳри ва «Росс» ҳарбий базаси учун олиб борган жанглар вақтида душман солдатларидан 2.000 дан кўпроқ кишини ўлдирдилар, ярадор қилдилар ва асир олдилар.

ХАНОЙ, 21 август. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ озодлик қуролли кучлари ва партизан отрядларига уюшган аҳоли Меконг дельтасида Сайгон режимининг ҳарбий транспортига ва қўшинларига ҳужум қилмоқдалар. АПО агентлигининг хабар беришича, ватанпарварлар август ойининг биринчи ярмида душманнинг 720 га яқин солдатини сафдан чиқарганлар. Кайлай ва Тяутхань районларида шу давр ичида 12 ҳарбий пост яксон этилган, жами аҳолиси 10.000 кишидан иборат бўлган бир неча қишлоқ озод қилинган.

Спорт

ШАХМАТ ЧЕМПИОНАТИ

Икки ҳафтадан ортиқроқ вақт давом этган Ўзбекистон ССР Марказий шахмат клубининг биринчи очиқ чемпионати тугади. Мусобақаларда Ўзбекистон ва қардош Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг 80 шахматчиси куч синашди.

Турнирда 1—3 ўринларни спорт мастери И. Бирбрагер (Тошкент области) ва мастерликка номзодлар Н. Разваляев (Самарқанд), В. Манин (Фарғона области) бўлишиб олдилар. Разваляев 7 та ўйинни ютди ва уч учрашувни дуранг қилди. Бирбрагер ва Манин 8 тадан ўйинни ютдилар, битта-дан ўйинда ютқаздилар ва битта-дан учрашувда дуранг натижага эришдилар. Республика чемпиони Л. Маслов бу мусобақаларда уч марта ютқазди ва биринчи ўрин учун кураш олиб бордимади. Қўқонлик мастерликка номзод А. Хан чиройли комбинацион услубда республика чемпионини мағлуб қилди.

Чемпионатда кўпгина махсус совринлар таъсис этилган эди. 20 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида энг яхши натижа кўрсатганлиги учун совринни тошкентлик мактаб ўқувчиси мастерликка номзод С. Лепигов олди. 40 ёшдан ортиқ қатнашчилар ўртасида энг яхши натижага эришганлиги учун махсус мукофотни областимиз вакили мастерликка номзод А. Султонов қўлга киритди. Аёллар ўртасида юқори ўрин олганлиги учун СССР биринчилигининг финалчиси, спорт мастери А. Мкртичан мукофотланди.

Команда ҳисобида биринчи ўринга спартакчилар чиқдилар. Улар 20 имконнятдан 17 очко тўплашди. «Буревестник» шахматчилари 14 очко олдилар.

Л. АЛЕКСАНДРОВ.

●

ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ САФАРЛАРИ

СССР олимпиада терма командасининг Мюнхендаги ўйинларда иштирок этиши муносабати билан олий лига командалари ўртасидаги мамлакат чемпионатида танаффус бошланди. Бундан фойдаланган клублар халқаро мусобақаларни ўтказадилар.

АҚШ ва Канада бўйлаб Москванинг «Динамо» футболчилари сафарга чиқдилар. Динамочилар океан нарёғига ўзлари билан спартакчилар Логофет, Папаев ва Дарвинларни ҳам олиб кетдилар. Москвалик-лар биринчи ўйинини Даллас шаҳрида «Торнадо» клуби билан ўтказиб, дуранг қилдилар —0:0.

Минск динамочилари ГДРга борадилар. Киев динамочилари эса Италиянинг кучли клублари билан ўйнайдилар. «Арарат» Болгарияда учта ўйин ўтказади. Шу жумладан, Болгария терма командаси билан ҳам кун синашади. Бу ўйин 31 августга мўлжалланган. Тбилиси динамочилари Ғарбий Берлинга, «Днепр» Чехословакияга, Ростов армиячилари Угандага бориб ўртоқлик учрашувларида қатнашадилар.

Москванинг «Локомотив» футболчилари Швецияда темирйўлчилар Европа кубоги мусобақасини ўтказдилар. Биринчи ўйинни улар 2:0 ҳисобида ғалаба билан якунладилар. Швеция темирйўлчилари октябрь ойида москвaликларнинг меҳмони бўладилар.

Янги иншоотлар

ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Тошкент гулларига ошиқ бўлмаган киши кам топилса керак. Тошкентимизнинг чамандек очилиб турган анвойи атиргуллари ҳаммани ўзига мафтун этади.

Шу туфайли ҳам пойтахтимиздаги «Тошкент гуллари» конторасига мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан илтимосномалар келаётир. Улар ўз хатларида Тошкент гулларидан юборишларини илтимос қилмоқдалар. Яқинда Магнитогорск, Красноярск шаҳарларидаги гул ишқибозларига жуда кўп атиргул юборишди.

Пойтахтимизга турли шаҳарларда ўсиб-унадиган чиройли, бежирим дарахт кўчатларя ҳам келтирилмоқда. Яқинда курорт шаҳри Адлердан қишин-ёзин кўм-кўк кўкариб турадиган икки вагон хурмо дарахти келтирилди. Нальчик шаҳридан манзарали дарахт кўчатлари келтирилиши учун заявкалар юборилди.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯРМАРКА

Ҳадемай ҳамма жойда Биринчи сентябрь кўнгироқлари чалинади. Ўқувчиларни дарслик ва дафтарлари билан таъминлаш мақсадида область халқ маорифи бўлими барча шаҳар ва районларда ярмарка ташкил этдилар. Бу ярмаркаларда мактаб ўқувчилари ўзларига керакли бўлган барча нарсаларни сотиб олишлари мумкин. Ярмаркалар Чирчиқ, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарларида ҳам ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ ва Оқ-қўрғон районларида ташкил этилган ярмаркаларда ҳам ўқувчиларнинг мактаб форма ва пойафзалларини сотиш ҳам йўлга қўйилган.


Шу кунларда пойтахтда ҳам шундай бозорлар ташкил этилди. Улар мактабимизнинг марказий кўчаларида ва майдонларида очилаётир.


Бу йил областимизда ҳамма-си бўлиб 20 минг ўқувчи янги мактаб ва синфхоналарда ўқиш бошлайдилар.

ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ

Шу кунларда Тошкент вокзали пассажирлар билан гавжум. Уларга тез алоқа хизматини кўрсатиш мақсадида янги алоқа уйи қурилиши ниҳоясига етди. Бино эрта-индин фойдаланишга топширилади. У уч қаватли бўлиб, пассажирларга фақат алоқа хизматини кўрсатади. Бу жойда асосий ишлар механизация ёрдамида бажарилади, қисқа муддатли телеграмма ва переводларни қабул қилиш йўлга қўйилади. Ўрта Осиё темир йўли Тошкент станциясининг алоқа ўйини пойтахтимиздаги 194-қурилиш тресги бунёдкорлари барпо этишди.

Тошкент почтамти учун Широкий ва Энгельс кўчаларининг муюлишларида ажойиб замонавий уч қаватли бино қад кўтаради. Бу алоқа уйида 20 дан ортиқ хизмат кўрсатилади. Видеотелефон ва посилкаларни қабул қилиб, эгаларига жўнатиш пунктлари автоматик равишда ишлаб туради. Ҳар қандай хизмат беш минут ичида бажарилади.





ҚИШЛОҚ КЎРКАМЛАШМОҚДА

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхоз қишлоғи ўн йилдан-йилга ўзгармоқда. Ўтган беш йилликда бу ерда 600 ўринли клуб, мактаб, чойхона, янги типдаги дала шийпонлари фойдаланишга топширилган эди.

Колхоз қурилиш бригадаси аъзолари янги беш йилликда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар. Кейинги икки йил давомида колхозда бир неча турар жой бинолари, 80 ўринли пионер лагери, трактор парки, шунингдек, 160 бош сигирга мўлжалланган молхона қурилиб фойдаланишга топширилди.

В. БОБОХОНОВ.

СТУДЕНТЛАР КУЧИ БИЛАН

«Комсомол — қишлоқ мактабига!» деган шиорга областимиз комсомоллари ҳам амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Олий ўқув юртларида учинчи — меҳнат семестри бошланиши билан тузилган область студентлар қурилиш отрядига уюшган меҳнатсевар йигит-қизлар катта ҳиммат кўрсатдилар.

Отряд аъзолари кучи билан областдаги 20 та қишлоқ мактабя сифатли ремонтдан чиқарилди. Билим ўчоқларида 250 та спорт майдончалари қурилди.

А. АБДУАЛИЕВ.

БИР ЙИЛДА 72 МИЛЛИОН

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб врачлар, ўқитувчилар ва мактабгача тарбия болалар муассасалари тарбиячиларининг ставкалари ва мансаб окладларини ошириш тўғрисидаги қарорини Ўзбекистон меҳнаткашлари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар.

Республика молия министрлигида Ўзбекистон информация агентлиги мухбирига қуйидагиларни маълум қилишди: СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директивалари ва «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисида»ги қонунига мувофиқ қабул қилинган бу қарор меҳнаткашлар анча қисмининг моддий фаровонлигини жиддий равишда оширади.

Умумий таълим мактабларининг раҳбарлари ва ўқитувчилари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқитувчиларининг ставкалари ва мансаб окладлари энг кўп даражда ошади. Дастлабки маълумотларга кўра, ана шу категориядаги ходимларнинг меҳнатига тўлаш учун бўладиган ҳаражатлар бир йилга ҳисобланганда республикада 60 миллион сўм кўпаяди.

Шунисн диққатга сазоворки, ўқитувчилар ва муаллимларнинг иш ҳақи бевосита уларнинг стажига қараб ошади. 15 йилдан тортиб 25 йилгача педагогик фаолият билан шуғулланувчи мактаб, техникум ва билим юртларининг ходимлари 1 сентябрдан бошлаб ўзларининг аввалги иш ҳақларига 30 процент миқдорида қўшимча ҳақ оладилар.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасалари мудирлари ва тарбиячиларининг иш ҳақига сезиларли даражада ҳақ қўшилади. Ёш болаларни тарбиялашни ўз касби қилиб танлаб олган техникум ва билим юртларини битириб чиқувчилар энди ҳозирги маошга нисбатан 30 процент ортиқ иш ҳақи оладилар. Олий маълумотли тарбиячиларнинг иш ҳақи эса бундан ҳам юқори бўлади. Мактабгача тарбия болалар муассасалари мудирлари ва мураббийларининг иш ҳақига бир йилга ҳисоблаганда беш миллион сўм қўшилади.

Республика врачлари иш ҳақининг йиллик фонди ўниккн миллион сўм ошади. Қишлоқ жойларида меҳнат қилаётган медицина ходимларининг иш ҳақи айниқса кўп оширилади. Чунончи, участка касалхоналари ва амбулаторияларнинг врачларига қўшимча суратда ойига 40 сўм тўланадиган бўлади, уларнинг даромади эса тахминан 35 процент ошади.

Ҳозир неча минглаб молия ходимлари республика врачлари, ўқитувчилари ва мактабгача тарбия болалар муассасаларининг тарбиячиларининг иш ҳақини қайта ҳисоблаб чиқиш билан шуғулланмоқда. Умуман улар аввалгига қанча наф кўриши аниқ ва равшандир. Дастлабки ҳисоблашларга қараганда, бу ходимлар йилига 77 миллион сўмдан кўпроқ наф кўрадилар.

БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК

Совет кишилари моддий ва маданий турмуш даражасининг ортиб бориши шахсий ва мулкий страхованне рнвожланишига яхши шароит яратмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда 1972 йилнинг бошидаги маълумотга қараганда, республикамиз меҳнаткашлари билан давлат страхованиесининг ташкилотлари ўртасида 1 миллион 690 минг сўмликдан кўпроқ страхование шартномалари тузилган. Областимизнинг ўзида эса 183 минг сўмлик страхование шартномалари мавжуд.

Страхованненинг турлари хилма-хил бўлиб, улардан бири болаларни страхованне қилишдир. Республикамизда болаларни страхование қилиш айниқса бу йил авж олди. Болаларни страхование қилишдан мақсад, уларнинг ота-оналарига фарзандлари балогат ёшига етганида давлат томонидан жамғарма яратиб беришдир.

Болаларни страхование қилиш шартномаларини ота-оналар, болаларнинг қариндош-уруғлари, шунингдек болаларни ўз тарбиясларига олган ҳар қандай шахслар тузиши мумкин. Бола туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиши билан то 15 ёшу 6 ойгача давлат томонидан страхование қилиниши мумкин. Страхование суммаси 300, 500, 1000 сўм миқдорида белгиланади.

300 сўмга тузилган шартнома бўйича боланинг ёши ва страхование суммасига биноан ҳар ойлик взнос 1 сўм 39 тийиндан то 2 сўм 84 тийингача бўлиши мумкин.

Страхование взносларн, шартномада белгиланганидек, ҳар бир ота-онанинг иш жойи бухгалтерияси орқали ёки нақд пул билан страхование агентига тўланади. Страхование қилинган бола шартномада кўзда тутилган муддат давомида ўз иш қобилиятини йўқотса ёки бирон қаттиқ касалликка чалинса, унга маълум миқдорда маблағ тўланади. Шартнома муддати тугагандан сўнг эса страхование суммаси қайтариб берилади.

Страхование взносини почта орқали омонат кассага ўтказиш ва давлат страхованне дафтарчаси орқали тўлаш ҳам мумкин.

Келажагимиз бўлган болаларни страхование қилиш фақат улар манфаатига хизмат қилади. Болаларни яшаб турган жойда ёки иш жойида давлат страхованнеси агенти ёки инспектори орқали страхование қилиш мумкин.

С. БУЗРУКХУЖАЕВ,
область давлат страхование бошқармасининг бошлиғи.

✦ ДАЛАЛАРДА, боғ ва узумзорларда айни пишиқчилик. Пишиб етилган ноз-неъматларни эл дастурхонига вақтида етказиб беришга ҳаракат қилаётган соҳибкорлар шу кунларда янада ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Ҳар куни шаҳарга неча юз тонналаб қовун-тарвуз ва ширин-шакар мевалар жўнатилмоқда.

Калинин районидаги Москва совхози деҳқонлари бу йил далаларда астойдил меҳнат қилишди. Давлатга 2 минг тонна қовун-тарвуз, 3800 тонна сабзавот, 900 тонна картошка топширишга аҳд қилган. Совхоз далаларида қовун-тарвуз ва сабзавот маҳсулотлари пишиб етилди. Энди уни тезроқ йиғиб-териб шаҳарликларга етказиб бериш керак. Совхоз ишчилари шу ҳаракатда бутун кучни йиғиб-теримга қаратганлар. Натижада совхоз далаларида ҳар куни шаҳарга қовун-тарвуз ва сабзавот маҳсулотлари ортган машиналар йўл олмоқда. Суратларда (юқоридан пастга) — звено бошлиғи М. Дадабоев, бригадир Хам Хад Юн, совхоз директори А. Эгамбердиев ўртоқлар қовун мазасини татиб кўришмоқда. Совхоз далаларида пишиб етилган қовун-тарвузлар. Помидор теришда пешқадамлик кўрсатаётган илғор ишчи М. Холматова.

А. Тўраев фотолари.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

10.55 — **Кўрсатувлар программаси**, 11.00 — **«Уйча»** (болалар учун мультфильм, рус тилида). 11.10 — **«Ёш гвардия»** (бадиий фильмнинг 1 серияси ўзбек тилида).

12.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси**, 18.00 — Ўқувчилар учун. **«Дони тайёр»** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 18.40 — **«Бунёдкорлар»** (телеочерк), 19.00 — **«Ахборот»** информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.15 — **«Ёркин ҳаёт.** Хотин-қизлар учун программа. 20.15 — **«Ахборот»** информацион программаси. 20.30 — **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув.** 21.00 — **«Ўзбекистон санъат усталари». Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ, Ғуломжон ҲОЖИҚУЛОВ.** 22.30 — **«Қочиш»** (бадиий фильмнинг 2-сернясн, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАМА

18.20 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **Маргарита Пислару куйлайди»** (фильм-концерт). 20.20 — **Бадиий фильм** (ўзбек тилида).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VIII да **Имон**, 24/VIII да **Аяжонларим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/VIII да **Тошболта ошиқ**, 24/VIII да **Менинг жаннатим.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Гамильтон хоним — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 3, 5 ярим ва кеч 9.15 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Болашаги қўшиқлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Сўнгги давон — «СПУТНИК», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Петербург билан хайрлашув — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 1 ва кеч 7 яримда), «ЧАЙКА» (кеч соат 6 ва 9 да).

Сайҳа — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Озод туғилган — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ҳаводаги саргузаштлар (2 серия — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳиндуларнинг содиқ дўсти — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Виннету — олачалар йўлбошчиси — «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 2, 4 ва кеч 9.45 минутда).

Кулгили қиз — «МОСКВА» (кеч соат 6 ва 8.40 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

Балашаги қўшиқлари — «ФЕСТИВАЛЬ».

Гамильтон хоним — «ХИВА».

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ

«Ўзсельстройдеталь»нинг

БЕКТЕМИРДАГИ ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАР ЗАВОДИГА

(Ўрта-Чирчиқ район, Бектемир посёлкаси, Охунбобоев кўчаси, 3-уй).

бетончилар, слесарлар, электриклар, дурадгорлар, такелажчилар, автокранчилар, электр пайвандчилар, арматурачилар, кочегарлар, ёрдамчи ишчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Завод ишга қабул қилинганларни прописка билан ва якка кишиларни ётоқхона билан, оилаликларни бир йил мобайнида турар-жой билан таъминлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ПРОЛЕТАР КЎЧАСИ, 4-уй — АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ ВА УНИНГ ҚУЙИДАГИ РАЙОН ПУНКТЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ЛЕНИН **райони** — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй;

ҲАМЗА **райони** — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй;

КУЙБИШЕВ **райони** — К. Маркс кўчаси, 59-уй;

КИРОВ **райони** — 2-Беликсий переулоги, 6-уй;

С. РАҲИМОВ **райони**—Қорасарой кўчаси, 270-уй;

ОКТЯБРЬ **райони** — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;

ЧИЛОНЗОР **райони** — «Чилонзор» массиви, 2-квартал, 53-уй;

ФРУНЗЕ **райони** — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй;

ТАРБИЯ МАВЗУИДА

ЯХШИЛИК—ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, тинчмисиз,— деб кўришамиз. Таниш-билишимизнинг аввало соғлиғидан хабар оламиз, тинчлигини суриштирамиз. Чунки, тинчлик билан соғлик бир-бирига узвий боғликдир. Балки, соғдиру, тинч эмасдир.

Биров бетоб бўлиб қолади ёки ёлғиз йўлда қолиб кетади. Биров фарзандидан, келинидан ёки нодону-жоҳилдан алам кўрса, яна бировлар бемаҳал ўлим ёки бирор фалокатга, табиий офатга дуч келиб қолади.

Рашк, жаҳл, қўрқув, хавф каби туйғулар ҳам кишини ғамгин қилади. Кишининг бошига қандай ташвиш тушмасин, у барибир руҳий азоб чекади, ғамгин бўлади: дили оғрийди, ҳаёли паришон бўлади, уйқу ва иштаҳа қочади.

Ҳаёт тажрибаларининг кўрсатишича, бу бедаво дардга бирдан бир даво ҳамдардликдир. Донолар «ҳамдардланган дард—ярмита дард» деб бежиз айтишмаган. Акс ҳолда руҳий аҳвол борган сари оғирлашаверади. Навоий таъбири билан айтсак, ғам, аламни кишининг ҳамдарди бўлмаса, дард уни бир дамда ҳалок айлайди, нобуд этади.

Ҳамдардлик (ёрдам, кўмак, мадад) бировнинг оғирини енгил қилиш, демакдир. Биродарлик, дўстлик олий одамий фазилатнинг ифодасидир.

Шу нуқтаи назардан шифокорнинг қошига келган беморни тинчитмасдан бўладими? Ярим кечада ёки қаҳратон қишда, машинани тўхтатиб, ёлғиз йўловчидан хабар олмай бўладими? Етиб қолган бемор ёки ожиз чолу-кампирни зиёрат қилмай бўладими?

Қадимдан одамлар бундай аҳволларга сезгир бўлганлар. Ҳаштар йўли билан кулба қуриб берганлар, ер ҳайдаб дон экканлар. Қўшнинкидан бир товоқ овқат, ҳам чиққан. Ҳали-ҳали тўйхашам, айниқса дафн маросими кўпчиликнинг иштироки билан ўтказилади. Дафн маросимига дуч келган одам тобутни елкасига олмай кетмайди. Буни кўриб «Баракалла, отангга раҳмат» дегинг келади.

Ҳамдард одам келин билан қайнона муносабатларини бузиш га эмас, балки мустаҳкамлашга, ота-онани фарзандидан жудо қилишга, воз кечишга эмас, балки иттифоқликка, шафқатга чорлайди. Ҳамдард жиноятни, бузуқликни ҳаспўшламайди, балки ўз вақтида ошкор этади, шунинг билан бирга айбдорни иккинчи яна бир бор жиноятдан сақлаб қолади.

Биноборин, ҳамдард илми, билими билан, ҳаётий тажрибалари билан, одамоҳунлиги билан бамисоли бир одил, фозил доно каби иш кўради.

Бир ўзбек аёлининг тўнғич фарзанди Улуғ Ватан урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди. Аёл дод-фарёд солиб, юзини, сочини юлди. Шунда маҳалла доноси ҳалиги аёлга: «Болам, кўп ҳафа бўлаверма, бошқа оналарнинг дарди сенникидан ҳам оғир» деди. Доно сўзида давом этиб, бир туркман аёлининг олти фарзанди, яна бир аёлнинг эри, саккиз фарзанди урушдан қайтиб келмаганлигини, табиий офатларда эса, бир дамда бутун бир шаҳар, қишлоқнинг ер билан яксон бўлишини айтиб, кўнглига тасалли беради.

Одамлар табиатан ҳамдарддирлар. М. Горький: «Инсонга мурожаат этишдан аввал ҳеч маҳал унда яхшиликдан кўра ёмонлик кўп, деб ўйлама», дейди. Аммо, кишининг ўзи табиатан меҳр, шафқатли бўлса, унинг дўстлари, ҳамдардлари кўп бўлади, тўйи ҳам, йиғини ҳам гавжум ўтади. В. Теккерей: «Ҳа ёт бамисоли бир кўзгу—ҳар бир инсон унда ўз аксини кўради. Агарда ҳўмрайиб боқсанг, сершарданн кўрасан, ҳаётга доим кулиб боқ, унинг олдида ҳанда қил, ана шунда сен ҳаётда ҳушчақчақ дўстининг кўрасан,— дейди.

Ҳамдард кимсанинг арзини диққат билан тинглаши, гапни бўлмаслик, ёт нарсаларга алаҳсимаслик шарт. Д. И. Писарев: «Инсон бутун умрида бир минут бўлса ҳам кимсага бепарво ва енгилтаклик билан қарашга ҳақли эмас», дейди.

Арз тингландими, энди навбат қўлдан келадиган ёрдамни кўрсатишда ва уни охиригача етказишда. Инсон ақл-заковати билан ҳамдард ва ҳалоскордир.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидатлари.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01746. ИНДЕКС 64697. Б. 1821.